

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 188-ҳадис

188 - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَتَادَةَ، قَالَ: انْطَلَقَ أَبِي مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ الْحُدَيْبِيَّةِ، فَأَخْرَمَ أَصْحَابَهُ وَلَمْ يُخْرِمْ، وَحُدِّثَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، أَنَّ عَدُوًّا بِعَيْقَةَ، فَانْطَلَقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: فَبَيْنَمَا أَنَا مَعَ أَصْحَابِهِ، يَضْحَكُ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ، إِذْ نَظَرْتُ، فَإِذَا أَنَا بِحَمَارٍ وَحْشٍ، فَحَمَلْتُ عَلَيْهِ، فَطَعَنَتْهُ فَأَتَبَّعَهُ، فَاسْتَعْنَتْهُمْ فَأَبْوَا أَنْ يُعِينُونِي، فَأَكَلْنَا مِنْ لَحْمِهِ، وَحَشِبْنَا أَنْ تُقْطَعَ، فَانْطَلَقْتُ أَطْلُبُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْفَعُ فَرَسِي شَأْوًا وَأَسِيرُ شَأْوًا، فَلَقِيَتْ رَجُلًا مِنْ بَنِي غِفارٍ فِي جَوْفِ الْلَّيْلِ، فَقُلْتُ: أَيْنَ لَقِيتَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَ: تَكْتُهُ بِتَعْهِنَ وَهُوَ قَائِلُ السُّقِيَا، فَلَحِقْتُهُ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أَصْحَابَكَ يَقْرَءُونَ عَلَيْكَ السَّلَامَ وَرَحْمَةَ اللَّهِ، وَإِنَّهُمْ قَدْ حَشُوا أَنْ يُفْتَطِعُوا دُونَكَ، اتَّظَرْهُمْ، فَاتَّظَرْهُمْ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أَصَدَّتُ وَمَعِي مِنْهُ فَاضِلَّةً، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلنَّاسِ: «كُلُّوا»، وَهُمْ تَخْرِمُونَ.

[خ 1821، م 1196، ت 847، س 2816، د 1852، جه 3093]

Абдуллоҳ ибн Абу Қатода сўзлаб берди:

«Худайбия йили отам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга йўлга тушибди. Шериклари эҳром боғлашибди, лекин ўзи эҳром боғламабди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга душманнинг Fайқада экани айтилибди. Шунда у зот йўлга тушибдилар».

(Абу Қатода) шундай дейди: «Мен у зотнинг сахобалари билан бирга эдим. Улар бир-бирларига қараб, кулишди. Қарасам, рўпарамда бир ёввойи эшак турибди. Дарҳол унга ҳамла қилиб, (найза) санчиб, йиқитдим. Улардан ёрдам сўраган эдим, менга ёрдам беришга кўнишмади. Кейин унинг гўштидан едик, бироқ (душман келиб қолиб, у зотдан) ажралиб қолишдан қўрқдик. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни излаб йўлга

тушдим. Отимни гоҳ чоптиар, гоҳ йўрғалатар эдим. Ярим тунда Бану Фифорлик бир кишини учратиб, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни (охирги марта) қаерда учратдинг?» дедим. У: «У зотни Таъхинда* кўрдим. (Хозир) Суқёда* қайлула қилияптилар», деди. У зотга етиб олдим ва: «Эй Аллоҳнинг Расули! Саҳобаларингиз сизга салом ва Аллоҳнинг раҳматини айтиб юборишиди. Улар сиздан ажраб қолишдан қўрқишишмоқда. Уларни кутиб туринг!» дедим. У зот уларни кутиб турдилар. Кейин: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ов қилган эдим, ёнимда ундан (гўштидан) ортгани ҳам бор», дедим. У зот одамларга: «**Еяверинглар**», дедилар. Ҳолбуки улар эхромда эдилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

* Таъхин - Макка йўлидаги, Суқёдан уч мил масофада жойлашган булоқ.

* Суқё - Макка билан Мадина ўртасида жойлашган катта бир қишлоқ.

Изоҳ: Қадимда арабларда «ал-ҳимаарул-ваҳший», яъни ёввойи эшак деб аталган бу жонивор сут эмизувчилар оиласига мансуб бўлиб, кийикка ўхшаш, лекин шохсиз, оқ тусли, бўғзи қора ов ҳайвони бўлган. Тадқиқотчиларнинг айтишича, ҳозир бу ҳайвон йўқолиб кетган.

Саҳиҳул муслимда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан қуидагича ривоят келтирилган:

«Хайбар кунлари от ва ёввойи эшаклар гўштидан едик. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни хонаки эшакдан қайтардилар».

Манба: hadis.islom.uz

